

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.30.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ТУРСУНХОЖАЕВА ШОИРА УТКУРОВНА**

**НАРКОТИК МОДДАЛАР БИЛАН ЎТКИР ЗАҲАРЛАНИШДА  
ЖИГАРДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРНИ  
ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШ**

**14.00.24–Суд тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Турсунхожаева Шоира Уткуровна**

Наркотиклар билан ўткир захарланишда  
жигардаги морфологик ўзгаришларини эксперт баҳолаш..... 3

**Турсунхожаева Шоира Уткуровна**

Экспертная оценка морфологических изменений  
печени при острых отравлениях наркотиками..... 25

**Tursunkhodjaeva Shoira Utkurovna**

Forensic medical evaluation of morphological changes of liver in acute  
poisoning by drugs..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 51

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Tib.30.03РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**ТУРСУНХОЖАЕВА ШОИРА УТКУРОВНА**

**НАРКОТИК МОДДАЛАР БИЛАН ЎТКИР ЗАҲАРЛАНИШДА  
ЖИГАРДАГИ МОРФОЛОГИК ЎЗГАРИШЛАРНИ  
ЭКСПЕРТ БАҲОЛАШ**

**14.00.24–Суд тиббиёти**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/Tib251 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий Кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим портали ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Искандаров Алишер Искандарович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мавлян-Ходжаев Равшан Шухратович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Бахриев Иброхим Исомиддинович**  
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.30.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув биноси, 4-қават мажлислар зали. Тел./Факс: (+99871) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б» қанот, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г. И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Ж.Эрматов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.У.Ирискулов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларга кўра дунё бўйича бир миллиарддан ортиқ киши психоактив моддаларни қабул қилиш, улар ичида 50 миллионни наркоманлар ташкил этиши расман қайд қилинган. Уларнинг ўртача ёши 18 дан 25 ёшгача бўлиб, уларнинг ҳар 5 чиси аёллардир. Бирлашган миллатлар ташкилотининг (БМТ) маълумотларига кўра марихуанани 142 млн. киши, амфетаминлар ва сунъий наркотикларни 30,5 млн. киши кокаинларни 13,4 млн. киши героин ва опиатларни 8 млн. киши истеъмол қилиши қайт қилинган. Наркомания билан оғриган беморларни 40%нинг ўлимига сабаб–ички органларнинг зарарланиши тўғрисидаги маълумотлар илмий манбаларда чоп этилган.

Жаҳонда наркотиклар билан ўткир заҳарланишларда жигарнинг морфологик ўзгаришларни эксперт баҳолаш самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, наркотиклардан заҳарланишларнинг ички ва ташқи омилларни, жигарнинг морфологик белгиларини ўрганишдан иборат. Жигарнинг структур бирлигида морфометрик кўрсаткичларни ишлаб чиқиш, жигарда содир бўлган ўзгаришларни миқдорий гистоморфометрик таҳлилни ўтказиш ва наркотик моддалар билан заҳарланишда асосий танотаген босқичларини суд тиббий баҳолашдан иборат. Наркотикларда заҳарланишларни олдини олишга қаратилган профилактик тадбирларнинг механизмини яратиш, касалликнинг асоратларни камайтириш ва бартараф этишнинг замонавий усулларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади.

2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида<sup>1</sup> мамлакатимизда «...ихтисослаштирилган тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини оширишга, унинг дастлабки бўғинини, тез ва шошилишч тиббий ёрдам тизимини янада ислоҳ қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш...» наркотик воситалар ва спиртли ичимликлари билан ўткир ва сурункали заҳарланишларда кўрсатилаётган ихтисослаштирилган тиббий хизматни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилган. Наркотик моддалар билан ўткир ва сурункали заҳарланишларда жигардаги морфологик ўзгаришларни эксперт баҳолашда сифатли тиббий хизмат кўрсатишда инновацион технологияларни қўллаш асосида замонавий ташҳисот усулларни ишлаб чиқиш ва бажариш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сонли «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2014

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони

йил 1 августдаги ПҚ-2221-сон «Ўзбекистонда оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича 2014-2018 йилларга мўлжалланган Давлат дастури» Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганганлик даражаси.** Дунёнинг Ғарб давлатларида наркомания 15% аҳолини қамраб олган бўлиб, наркомания касаллиги билан хасталанганлар 5-7% ни ташкил қилади. Сўнгги ўн йилликда Россия аҳолисининг наркотизация даражаси кескин ошиши жуда ҳам ачинарлидир. Мамлакатга контрабанда йўли билан синтетик ва ярим синтетик бўлган героин, эфедрин, первитин, фенамин, фенциклидин, фентанил, триметилфентанил ва бошқа бир қатор наркотик моддаларни кириб келиши жадал ўсиб бормоқда (Пятницкая И.Н., 1994). Сўнгги йилларда Ўрта Осиёда наркотик моддалар ва хом ашёларни етказиб бериш даражаси ҳам ошди (Анохин П.К., 2002; Э.С.Шамсиев ва б., 2004).

Э.С.Шамсиев ва ҳаммуал. маълумотларга кўра наркотикларни ноқонуний айланиши ва наркоманлар сонини ортиши Ўзбекистон учун жиддий муаммо бўлиб қолади. Мамлакатимиз ҳудудига контрабанда йўли билан героинни кириб келиши миқдорини ортиши, тегишли ташкилотларнинг берган маълумотларга кўра 2001 йилнинг бошида наркотикни мунтазам қабул қилувчилар 25000 кишини ташкил этиб, бу ёшлар ва ўсмирлар орасида кенг тарқалмоқда. Ушбу воситалар арсенали доимий кенгайиб, янги махсус хусусиятли моддалар билан бойиб бормоқда (Л.А.Зайченко ва б., 2008; И.Н. Пятницкая, Н.Г.Найденова, 2002). А.Ш.Ваисов ва ҳаммуал. маълумотларига кўра вафот этган наркоманларнинг ёши 15дан 35 ёшни, энг юқори ўлим кўрсаткичининг 49%ни 17дан 23 ёшгача бўлганлар, наркотик моддаларни мунтазам қабул қилиш давомийлиги эса 8 ойдан 7 йилгачани ташкил этади (А.Ш. Ваисов ва б.; 2006). Қатор тадқиқотчилар, наркоманлардаги ўлим сабаби наркотик воситалар миқдорини ошиши эмас, концентрациясининг пастлиги, ўткир захарланиш ташхиси учун етарли даражада асос бўлмади (И.П., Анохин 2002; А.И. Барцев ва б., 2008; Д.Э. Бодрина ва б., 2001). Ўлимга олиб келувчи сабаблар ностерил моддаларни томир орқали юбориш, инфекция асоратлар, ички органларнинг сурункали зарарланиши натижасида ўз вазифасини бажара олмаслиги, энг муҳими пато ва танатогенезда захарли кўшимчалар ва улар наркотик воситаларни тайёрлаш ёки фалсификация қилишда кўшилиши ҳисобланади (Н.В.Веселовская, А.Е.Коваленко, 2000). Сўнгги йилларда дунёда наркотик қабул қилувчилар кўпинча опиятни этил алкохоли билан бирга қабул қилиши, алкохолни психофаол моддалар билан бирга қабул қилиш патологик абстинент боғланишни тезроқ ривожланиши ва яққол намоён бўлган фармакокинетик патенцирловчи психотроп самара ва ўлимга

олиб келувчи заҳарланишни ривожланиш хавфини оширади (Баринов А.М. ва б., 2010; О.В. Кригер ва б., 2001; И. В. Попова, 1998; М. Л.Рохлина, 1998). Кўплаб муаллифлар (У. И.Кучкоров, Н. И.Ходжаева, 2009; А. С.Логинов ва б., 2000; С.С. Cleeland et al., 2005; N.W. Scott et al., 2009) наркоманларда ОИТС ва гепатит билан касалланиш даражасини юқори бўлиши, ОИТСга чалинган 26% наркоманлар ОИТСнинг якуний асоратларига етиб бормасдан жигар касалликларидан нобуд бўлиши исботланган. И.Г.Савченко, В.В.Покровский ва Е.А.Бриун (1993)лар Россияда наркоманларнинг тартибсиз жинсий алоқада бўлиш, ностерил шприцлардан фойдаланиш ОИТСни тарқалишини исботлаган. Ўтказилган тадқиқотлар даврида олинган янги маълумотлар наркотиклар билан заҳарланишдаги органопатологиялар ва этил алкаголли заҳарланиш тўғрисидаги маълумотларга қарамасдан ушбу моддалар билан комбинациялашган интоксикациядаги морфологик ташхислаш ечими топилмаган (А.С. Логинов ва б., 2000). Наркотик моддалар билан ўткир заҳарланиш ташхислашнинг объектив морфологик мезонларини ишлаб чиқиш ва СНИ суд тиббиётининг энг долзарб вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. (Е.А.Лужников, 2004; Д. К.Львов, 2007).

Шундай қилиб, наркомания фонида сурункали вирусли гепатитнинг ўзига хос муаммолари ҳал этилмасдан, кўп ҳолларда тўсатдан ўлган наркоманлар танаси орган ва тўқималаридан секцион ва гистологик тадқиқот учун олинган намуналарни таҳлил қилиш кенг тарқалган назологик спектрдаги йўлдош касалликлар мавжудлиги сабабли қийинчиликлар туғдиради. Мазкур ҳолатларда ташхислаш фақат лаборатор маълумотларига асосланади, аммо шу билан бирга 51-53% заҳарланиш ўлган наркоманларнинг тўқимаси ва биологик суюқликлари суд кимёвий таҳлил қилинганда заҳарли моддалар аниқланмайди, сабаби опий алколоидлари тезда биотрасформацияга учрайди, ушбу йўналишда олиб бориладиган илмий тадқиқотлар долзарб ва илмий амалий аҳамиятга эгадир.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент Педиатрия тиббиёт институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ 01.970005260 «Суд тиббиёти токсикологияси» (2009-2011) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ўткир ва сурункали наркотик интоксикациясида жигардаги морфологик ўзгаришларни суд-тиббий жиҳатидан эксперт баҳолашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

сурункали гепатит ва алкоголизм фонида наркотикдан заҳарланишда гепатоцитлар регенерациясини пасайтирувчи жигар стромасидаги яллиғланиш ва склероз, ҳамда паренхимасидаги дистрофия ва некрозли ўзгаришларнинг ривожланиш даражасини кўрсатувчи балл тизимини ишлаб чиқиш;

сурункали гепатит ва алкоголизм фонида наркотикдан заҳарланишда жигарнинг морфофункционал майдонларида ривожланадиган патоморфологик ўзгаришларнинг ўзига хослиги ўрганиш;

сурункали гепатит ва алкоголизм фонида наркотикдан захарланишда жигар тўқимасининг морфофункционал фаоллигини ва шикастланиш даражасини акс этувчи паренхима фаоллашув индекси (ПФИ), склеротик фаоллашув индекси (СФИ), жигар шикастланиш индекси (ЖШИ) ва ядро – цитоплазматик нисбатини аниқлаш;

сурункали гепатит ва алкоголизм фонида наркотикдан захарланишда жигар портал йўллари хужайравий таркибининг фоизлардаги улушининг морфометрик кўрсаткичларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Тошкент шаҳар суд тиббий экспертиза бюросида қайд қилинган 181 та суд тиббиёт экспертиза хулосаларининг таҳлили қилинган, улардан 97 нафари наркотиклар билан, 30 нафари алкогольдан ўткир ва сурункали захарланганлар, 30 нафари эса вирусли гепатит билан хасталанганларни ташкил этган.

**Тадқиқотнинг предмети** наркотиклар билан ўткир ва сурункали захарланишлар, гепатит ва алкоголизм билан бирга келишида жигарнинг морфологик ва морфометрик кўрсаткичларини аутопсия материали олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари:** Тадқиқот вазифаларни ҳал этиш ва мақсадга эришиш мақсадида морфологик, морфометрик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

сурункали гепатит ва алкоголизм фонида наркотикдан захарланишда гепатоцитлар регенерациясини пасайтирувчи жигар стромасидаги яллиғланиш ва склероз ҳамда паренхимасидаги дистрофик ва некротик ўзгаришларнинг ривожланиш даражасини кўрсатувчи балли тизим яратилган;

сурункали гепатит ва алкоголизм фонида наркотикдан захарланишда жигарнинг морфофункционал майдонларида ривожланадиган патоморфологик ўзгаришлар ўзига хослиги аниқланди, яъни 3-майдонда дистрофик ва некроз, 2-майдонда Диссе бўшлиғи кенгайиши, Купфер хужайралари фаоллашуви ва 1-майдонда яллиғланиши, склеротик ўзгаришлар аниқланган;

жигарнинг ўзига хос морфофункционал индекслари аниқланди: ПФИ меъёрга нисбатан 2 баробар камайиши, СФИ меъёрга нисбатан кўтарилиши, ЖШИ ўткир наркотикли захарланишда 0,21, сурункали захарланишда 0,1 га тенглиги исботланган;

сурункали гепатит ва алкоголизм фонида наркотикдан захарланишда жигарнинг портал йўлларида лимфоцит, макрофаг ва ёш бириктирувчи тўқима хужайраларининг устун туриши аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

наркотик интоксикациясининг суд-тиббий ва патологоанатомик ташхисотини тўлдирган;

жигарнинг морфофункционал индекслар аниқлаш учун ишлаб чиқилган алгоритм наркотикдан захарланишларни аниқлашда суд тиббиёти амалиётига киритилган;

ишлаб чиқарилган баҳолаш тизими наркотик ва алкогольдан заҳарланишлар биргаликда келганда дифференциал ташхислашга ёрдам беради.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** ишда қўлланилган назарий ёндошув ва усуллар, олиб борилган суд тиббий эксперт тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, мурдалар сонининг етарлилиги объектив морфологик, морфометрик ва статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, наркотиклар билан ўткир заҳарланишларда жигарнинг морфологик ўзгаришларни эксперт баҳолашда халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқотда олинган натижаларни илмий аҳамияти, жигарни наркотиклар билан ўткир ва сурункали заҳарланишида, унда бўладиган морфологик ўзгаришларни баҳолаш бўйича илмий тадқиқотларни такомиллаштириш ва уни суд тиббиёт соҳасига сезиларли ҳисса қўшишидир.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти эса жигарни наркотик ва алкоголь билан биргаликдаги таъсири натижасида заҳарланиши, шунингдек вирусли гепатитдан сўнг қолган асоратлар натижасида рўй берадиган морфологик зарарланиш ўзгаришларини аниқлашни ўзига хос хусусиятларини аниқлашнинг суд тиббий амалиётидаги аҳамиятини ўз ичига олади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Наркотик моддалар билан ўткир заҳарланишда жигарнинг морфологик ўзгаришларни эксперт баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Жигарни наркотик моддалар билан заҳарланишида микдорий кўрсаткичларни аниқлаш усулини морфометрик тадқиқ қилиш» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 05 январдаги 8н/2-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма организмни наркотиклар билан заҳарланишида жигар ҳужайраларидаги ўзгаришларни суд-тиббий эксперт баҳолаш имконини берган;

Наркотиклар билан ўткир заҳарланишларда жигарнинг морфологик ўзгаришларни эксперт баҳолашни такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Республика суд-тиббий экспертиза бюроси, Тошкент шаҳар суд-тиббий экспертиза бюроси амалиётига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 10 майдаги 8н-з/75-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижалари суд-тиббий экспертиза бюросининг эксперт амалиётига жорий қилиниши жигарни морфометрик эксперт баҳолаш мезонлари нафақат наркотиклар билан заҳарланишда юз берган ўлимнинг асосий сабабларни аниқлаш, балки вирусли гепатит турини аниқлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 илмий-амалий анжуманларда, жумладан 5 та халқаро ва 2 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси

Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва аҳамияти, ушбу ишга талаб асослаб берилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва унинг амалий натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Наркотик интоксикацияларида жигарни морфологик ўзгаришларини суд тиббий баҳолаш»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шундай қилиб, тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда наркотиклар билан заҳарланишларда жигарни морфологик ўзгаришларини суд тиббий баҳолаш методологияси ва морфометрик кўрсаткичлари, ўткир ва сурункали заҳарланишларни аниқлаш усуллариининг афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилинган, шунингдек, мазкур муаммонинг ўз ечимини топган ҳамда ечими топилиши лозим бўлган аспекти белгиланган.

Диссертациянинг **«Наркотик интоксикацияларида жигарни морфологик ўзгаришларини суд тиббий баҳолаш материаллари ва усуллари»** деб номланган иккинчи боби тадқиқот материаллари ва усуллари ёритилган. Илмий ишнинг мақсади ва вазифаларига мос ҳолда 181 та аутопсия ва гистологик тадқиқотлар ўтказилди. (133 нафар эркак ва 48 нафар аёл, уларнинг ёши 16 дан 85 ёшгача). 97 та мурдани суд тиббий тадқиқот далолатномаси ва наркотик заҳарланишдан вафот этганлар экспертлар томонидан берилган хулосалар тадқиқотнинг асосий гуруҳини ташкил этади. 94 нафар (96,6%) кузатув объектларида турли пайтларда олинган турли даражадаги кўп сонли инъекцион жароҳатлар мавжуд бўлиб, булар кўп марта наркотик моддани парентерал юборилганлигини кўрсатади. Қолган 5 та ҳолатда наркомания ташхиси катамнез асосида қўйилди.

17 нафар кишида ўтказилган суд кимёвий тадқиқотларда уларнинг тўқималари ва биологик суюқликларида опиатлар (героин ва морфин)ларни летал ва сублетал концентрациялари аниқланди. 4 та ҳолатда опиатлар ва димедролларни бирга келиши аниқланди. 26 ҳолат намуналарида этанол моддаси аниқланиб, концентрацияси енгил ва ўрта даражадаги мастликка мос

келади. У ёки бу турдаги вирусли гепатит тўғрисидаги маълумотлар 21 ҳолатдаги катамнезларини ўрганишда аниқланди, улар наркотик моддаларни қабул қилувчилар бўлиб, асосий гуруҳдагилар вирусли гепатит 3 та ҳолатда, вирусли гепатит 10 та ҳолатда, вирусли гепатит С+В 5 та ҳолатда аниқланган бўлса, 3 та одамда вирусологик тадқиқотлар ўтказилмади.

Таққословчи гуруҳ сифатида сурункали персистиловчи вирусли гепатит билан оғриганларнинг 30 та биопсия кузатувлари қўлланилди. Улар 40-85 ёшлилар бўлиб, (10 нафар эркак ва 20 нафар аёл), уларнинг барчаси қачондир наркотик модда қабул қилганларини инкор қилдилар. Таққослаш гуруҳида вирусларни тарқалиши ўхшаш ҳолда бўлди, яъни вирусли гепатит 6 та ҳолатда аниқланди, вирусли гепатит С 12 та ҳолатда аниқланди, В+С -5 та ҳолатда аниқланди ва 7 та ҳолатда вирус тури номаълумлигича қолди.

Бундан ташқари таққослаш гуруҳи сифатида 23-92 ёшли (24 нафар эркак ва 6 нафар аёл) 30 та шахсдан олинган аутопсия материалларидан фойдаланилди. Улар наркотик модда қабул қилмайдиган, аммо сурункали алкоғолли интоксикациядан азият чекувчилар ва алкоғолдан ўткир заҳарланишдан нобуд бўлганлар кирди. (уларнинг қондаги концентрацияси 2,7 дан 9,1‰; ўртача концентрация  $5,9 \pm 0,08\%$ ).

Назорат гуруҳини 17 ёшдан 73 ёшгача бўлган 24 нафар одамдан олинган аутопсия материал ташкил этди, (12 нафар эркак ва 12 нафар аёл). Улар наркотик моддаларни қабул қилмаган ва улар термик ёки механик шикастланишлар оқибатида вафот этгандирлар.

Гистоморфологик тадқиқотлар ўтказишнинг Г.Г.Автандилов (1980, 1984, 1990) усули ёрдамида амалга оширилган. Бунда Г.Г.Автандиловнинг текширув материаллар ҳажмини оптимал танлаб олиш, квантификация усули бўйича морфологик ўзгаришларни аниқлаш ва олинган маълумотларни статистик қайта ишлашга оид тавсиялардан фойдаланилди. Бундан ташқари морфометрия объектларини рандомизациялаш принципи сифатида кўп босқичли уяли усул қабул қилинди. (Г.Г.Автандилов ва бошқ. 1981), у ўз таркибида ҳар бир ўлчаш даражасини бир бирлигини тасодифий ҳолатларини сақлайди (секцион кузатувлар, тўқима блоклар, кесмалар ва кўриш майдонидаги кесмалар).

Вирусли гепатитни ярим микдорий фаоллигини баҳолаш учун кузатувдаги секцион материал ва ундаги фиброзни намоён бўлиш даражасини аниқлашда 12 та кузатув объектларида мазкур параметрларни R. J. Kuodell et.al (1981) усули ёрдамида аниқланган.

Жигарнинг гистологик препаратларини микдорий таҳлил қилиш учун наркотик моддани парентрал йўл билан қабул қилган 97 ҳолат наркоманлардан олинган маълумотларга асосланилди. Ҳаётдан кўз юмганлар 87 нафар эркак ва 10 нафар аёлни ташкил этиб, улар 16 ёшдан 62 ёшгача бўлганлар эди.

Таққослаш гуруҳи сифатида наркотик моддаларни қабул қилмаган 17 ёшдан 92 ёшгача бўлган 84 нафар шахсдан олинган аутопсия материалларидан фойдаланилди. (46 нафар эркак ва 38 нафар аёл). Улардан СА3 билан азият чекканлар 30 нафарни, СВГ 30 нафарни ва 24 нафарини эса

(вазият тақозоси ва морфологик маълумотларга асосан) юракнинг ишемик касаллиги ва ўпка касаллиги (зотилжам) дан вафот этганларни ташкил этди.

Олинган маълумотларни статистик қайта ишлашда Microsoft Office Excel 7,0 дастурини, шунингдек Statistica 6,0 амалий дастурлар пакети ёрдамида ўртача (M) ва нисбий (P) катталиклар, уларнинг ўртача статистик хатоси (m), параметрик ва нопараметрик усулларни қўллаш, t- Стьюдентнинг ишончлилик мезони кейинчалик эса фарқлар ишончлилик даражасини аниқлаш амаллари бажарилди. Фарқлар статистик белгилар бўйича ҳисобланди ( $P \leq 0,05$ ). Корреляцион таҳлил Спирмен ранг корреляцион усули бўйича ўтказилди.

Диссертациянинг «**Наркотик заҳарланишни сурункали гепатит ва алкогольли заҳарланиш бирга келган ҳолларда жигардаги морфологик белгилар**» деб номланган учинчи бобда наркотик модда билан заҳарланишда жигарда рўй берувчи морфологик ўзгаришлар баён этилган.

97 нафар наркоманлар жасадини ташқи кўриниши кўриқдан ўтказилганда, уларда жигар касалликларига хос бўлган белгилар аниқланмади. Бироқ наркотик моддалар билан ўткир заҳарланишдан вафот этганлар жигарини макроскопик текширишлар олиб борилганда уларнинг марказий ва бўлакчалараро веналарида шунингдек синусоидларида тўлақонлилик кузатилди. 4,2% наркоманларда ўткир ўчоқли қон қуйилиши, 2 нафар шахсда эса бўлакчалараро веналарда эритроцитлар сладжи, 1 нафарида фибрин-эритроцитар, 2 нафарида эса фибрин тромблари аниқланди.

Гепатоцитларнинг ёғли дистрофияси 70% наркоманларда, улардан 36,7% диффуз майда томчили, 20,8%- ўчоқли турли ўлчамли ва 12,5%- диффуз йирик томчили турлари аниқланди. Ёғли кисталар 4,2% аниқланди. Назорат гуруҳида сурункали гепатит билан оғриган беморларда ёғли дистрофия 17% аниқланди ( $P \leq 0,05$ ). Гепатоцитларнинг гидропик дистрофияси наркоманларнинг 28%, бошқаларнинг эса 83% аниқланди ( $P \leq 0,05$ ). Шу таъкидлаш жоизки, наркоманларда бу кўпроқ ўчоқли кўринишда бўлса, назорат гуруҳида бу тарқоқ кўринишда намоён бўлади. Гиалин-томчили дистрофия 10,8% ва 33% ( $P \leq 0,05$ ), хира шишасимон орсеинпозитив гепатоцитлар 9,2% ва 17%, апаптоз таначаларни кўпинча периферал жойлашиши -11,6% ва 25%, жигар хужайраларини ўчоқли липофусцинози 38,3% ва 33% да аниқланилди. Йирик гиперхром ядроларнинг мавжудлигини, икки ва кўп ядроли хужайраларни ўз ичига олган гепатоцитларни кучайган регенерациясини яққол белгилари наркоманларнинг 13%да, сурункали гепатит билан оғриганларнинг 42%да аниқланди ( $P \leq 0,01$ ). Наркоманларнинг 98,3%да портал трактларда мононуклеар инфильтрация белгилари, чегара пластинкаларидаги майда ўчоқли бузилишлар 63,3% ва 92% СВГ билан хасталанганлар кузатилди. ( $t = P \leq 0,01$ ).

Эозинофилларни яллиғланиш инфильтратига аралашishi 41,2% ҳолатда (СВГ билан оғриган беморларда фақат 17%,  $P \leq 0,05$ ), нейтрофилларни аралашishi 43,3% (СВГ билан оғриган наркотик моддаларсиз беморларда фақат 8%,  $P \leq 0,05$ ), барча наркоманларнинг 12,4% дан олинган намунадаги

инфилтратларда нейтрофиллар ва эозинофиллар аниқланди. Наркоманлар учун хос бўлган белгилардан яна бири, портал трактларда макрофаглар сонини ортиши бўлди. Ўткир наркотик заҳарланиш фониди (ОНО) бўлим ичи инфилтратининг мавжудлиги 58,3%, наркотик модда қабул қилмаганлар СВГ ҳолатида эса 41,7% ни ташкил этди. (фарқлар статистик ишончли эмас). Юзага келган склероз 98,3% порто-портал бириктирувчи тўқимали септаларни мавжудлиги, инфилтрланган лимфоцитлар ва макрофаглар, аммо ёндош паренхималар некротизисиз кузатилди. Септалар фақат икки ҳолатда портал ёки лобуляр гепатит белгилари бўлмаган вазиятларда кузатилмади. 36,7% наркоманларда порто-марказий септалар, аммо уларнинг сони катта эмас, яъни 1 см<sup>2</sup> жойда 1-3 ни ташкил этди. 20% 1 см<sup>2</sup> жойда 1-5 та майда ёлғон бўлакчалар аниқланди. Бир ҳолатда бириктирувчи тўқимали тасмалар бир бирига яқин бўлган марказий веналарни боғлаган. 35,3% наркоманларда перипортал ёки кенг тарқалган перисинуоидал склероз белгилари маълум бўлади. СВГ гуруҳидаги шахсларда портал трактларни кенгайиши ҳар бир ҳолатда аниқланди, фақат бириктирувчи тўқима толаларини ван Гизон бўйича бўйишда улар яққол фуқсифил бўйланлиги аниқланди. Порто-портал септаларнинг мавжудлиги фақат 25% ( $P \leq 0,01$ ) ҳолатда кузатилди, порто-марказий септалар эса аниқланмади. Қийолаш гуруҳининг 8% ( $P \leq 0,05$ ) ҳолатида яққа ёлғон бўлакчаларнинг мавжудлиги кўринишидаги микронодуляр жигар циррозини шаклланиш, 64,6% наркоманларда бўлакчалараро ўт йўллари пролиферацияси, бироқ уларни кенгайиши, ва уларда ўт пигментларининг тўпланиши аниқланмади. Наркотик модда қабул қилмаганларда ўт йўллариининг пролиферацияси 25% ( $P \leq 0,05$ ) кузатилди.

Маллори ва ван Гизон бўйича бўйланганда бўлакчалараро артерия деворида склероз аниқланди. Алкоголли гепатит маркери ҳисобланган марказий вена деворининг склерози ва централобуляр периделлюляр фиброз (А.С.Логинов, Л.И.Аруин, 1985) наркоманларнинг 70% ва наркотик модда қабул қилмаганларнинг 25%да аниқланди. ( $P \leq 0,05$ ).

Шундай қилиб, опий қаторидаги наркотик моддалар билан ўткир заҳарланишда жигар тўқималарининг тўлақонли бўлиши, перисинуоидал бўшлиқларда шиш, баъзида портал трактлар стромасига ўткир қон қуюлишини бирга келиши ва томирларда фибрин ёки аралаш тромбларни ҳосил бўлиши ҳосдир. Наркотикларни парентерал қабул қилишдаги опий билан сурункали заҳарланишда жигарни сурункали токсик зарарланиш белгиларини гепатит В,С вируслари чақирган сурункали гепатит белгилари билан бирга келиши ҳосдир, бундай вазиятда баъзида гранулематоз жараён ҳам юзага келади. Сурункали опийли интоксикация сурункали вирусли гепатит патомарфозини чақиради, у эса ўз навбатида яллиғланиш жараёнини портал компонентини фаоллигини камайтиради, яллиғланиш инфилтратининг полиморфлигини, лимфоид фоликулалар ҳосил бўлиш сонини ортиши, ўт йўллари пролиферациясининг кучайиши, жигарни цирротик қайта тузилиши ва фиброзидан ташкил топади.

Диссертациянинг «**Жигарни гистоморфометрик кўрсаткичларни микдорий усуллари комплексини ишлаб чиқиш**» деб номланган тўртинчи

бобида жигарни гистоморфометрик тадқиқ қилиш баёни ва уларни принципларини ишлаб чиқишга бағишланган. Бунда кесманинг бутун майдони бўйлаб кўп ёки кам микдорда тақсимланган бир қанча кўриш майдонлари қатнашди (8 та майдон). Автандиловнинг окуляр тўри 160 нукта бўйича тасодифий тақсимланмаган, аммо тўқима кесмасининг бутун майдони бўйлаб бир текис жойлаштирилган. Ўрганилаётган компонент  $V_v$  ҳажмда бўлиб, тадқиқ қилинувчи структурага мос бўлган нукталар ҳам  $V_v$  кўрсаткичига тенг бўлади. Бу ҳолат эҳтимоллик назариясидан келиб чиқади. Олинган маълумотлар асосида тадқиқ қилинувчи структур компонентларнинг ҳажмий улуши ҳисобланди. Бу кўрсаткич шундай катталики, у тўқиманинг бир ҳажм бирлигидаги компонентларини ўрганилаётган структурадаги тўқима ҳажмий улушига тенглигини кўрсатади. Агар тўқима кесмасидаги таҳлил қилинувчи структур компонентларни белгиласак ва бунда улар ўрганиладиган майдон 100% деб олинса, ( $V_v$ ) кесма, майдони бўйлаб нукталар бир хилда тақсимланса, ( $Z$ - бўйлаб) унда  $P$  1та нуктага бизни қизиқтираётган тузилмани яна бир бор қайта тушиши тасодифий деб қабул қилинади:  $P = V_v/100$ .

Нукталарнинг бошқа тузилмаларга тушиш эҳтимоллиги унга мос равишда қуйидагига тенг бўлади.

$$Q = 100 - \frac{V_v}{100}$$

Ўрганилаётган тузилмага мос келувчи нукталар сонини  $X$  билан белгилаш орқали уни аниқлашдаги хатоликлар топилади. Буни  $x/z$  кўринишида амалга оширилади.  $P$ - абсолют хатоликни аниқлашда фойзаларда ифодаланиш ҳолатидан фойдаланилади.

$$\varepsilon = \left( \frac{x}{z} - P \right) \cdot 100 = 100 \frac{x}{z} - V_v$$

Эҳтимоллик назариясидан маълумки

$$\varepsilon = \frac{x}{z} - P = t \cdot \frac{\sqrt{Pq}}{z}$$

Бу ерда:

$x$ - ўрганилувчи структурага мос келувчи нукталар сони;  $z$ - тест тизимда умумий нукталар сони;  $P$ - таҳлил қилувчи компонентларга нукталарни мос келиш эҳтимоллиги;  $q$ - кесмадаги қолган барча нукталарга мос келиш эҳтимоллиги;  $t$  - силжишлар меъёри.

Абсолют хатолик қуйидагича ҳисобланади

$$\varepsilon = t \cdot \frac{\sqrt{V_v \cdot (100 - V_v) \cdot V_v}}{z}$$

Олинган маълумотлар асосида ҳар бир тузилмавий компонентдаги нукталар сони ёрдамида тадқиқ қилинувчи тузилмавий компонентларнинг

ҳажмий улуши ҳисоблаб топилади. Уларга:  $V_{ц}$ ;  $V_{я}$ ;  $V_{со}$ ;  $V_{ди}$ ;  $V_{пт}$ ;  $V_{пи}$ ;  $V_{нкд}$  кирази. Мазкур кўрсаткичлар қуйидаги формулада ҳисобланади:

$$V_{ц} = \frac{P_{ц}}{P} \cdot 100$$

Мазкур кўрсаткич тўқиманинг бир бирлик ҳажмида тадқиқ қилинувчи тузилмавий компонентлар тўқиманинг қандай ҳажм улушига мос келишини кўрсатувчи катталиқдир. Юқорида келтирилган сон маълумотларига асосланиб, индексларни ҳисоблаш мумкин; паренхиматоз фаоллик индекси (ПФИ-паренхима/строма); стромал фаоллик индекси (СФИ-Строма/паренхима); жигарни зарарланиш индекси (ЖЗИ-зарарланиш/паренхима); ядро-цитоплазматик нисбат, бу кўрсаткич паренхима, строма, шунингдек жигар тўқималарини дистрофик-некротик жараёнлар билан зарарланишни морфофункционал баҳолаш имконини беради. Олинган маълумотлар асосида тузилмавий компонентлар % ҳисоблаш амалга оширилди (1-жадвал).

### 1-жадвал

#### Наркотиклар билан захарланишларни алкоголь ва вирусли гепатит билан биргаликда кечишида жигар тўқимасининг структур компонентларини морфометрик кўрсаткичлари ( $M \pm m\%$ )

Кузатув гуруҳи	Таркибий компонентларнинг % нисбати			
	Гепатоцитлар		Патология	
	Рц	Ря	Рнкд	
Меъёр	30,7±7,2	44,1±7,7	0	
наркотиклар билан ўткир захарланишлар	37,0±7,5	17,6±5,9**	11,6±0,5***	
наркотиклар билан сурункали захарланишлар	32,7±7,3	23,0±6,5*	5,6±0,36***	
Алкогол билан биргаликда сурункали захарланишлар	34,0±7,4	18,4±6,3*	9,5±0,42***	
сурункали захарланишлар вирусли гепатит билан биргаликда кечганда	21,3±6,3	15,0±5,5**	17,2±4,2***	
	Стромал элементлар			
	Рсо	Рди	Рпт	Рпи
	Меъёр	13,4±5,3	5,0±0,3	6,8±0,4
наркотиклар билан ўткир захарланишлар	17,0±5,8	8,1±0,4***	5,6±0,36*	3,1±0,27***
наркотиклар билан сурункали захарланишлар	11,6±0,5	5,1±0,3	6,1±0,34	15,9±5,7**
Алкогол билан биргаликда сурункали захарланишлар	10,1±0,45	4,7±0,26	9,7±0,4***	13,6±0,5***
сурункали захарланишлар вирусли гепатит билан биргаликда кечганда	14,8±5,2	4,0±0,24*	11,4±0,4***	16,3±0,6***

Изоҳ: \* - меъёр кўрсаткичларига нисбатан нисбий фарқ (\* -  $P < 0.05$ , \*\* -  $P < 0.01$ , \*\*\* -  $P < 0.001$ )

Шундай қилиб, ЎНЗларда жигар тўқимаси ҳолатини ҳар томонлама характерловчи морфометрик параметрлар тизимини киритиш ва компьютер дастурини ишлаб чиқиш суд-тиббий экспертиза комплексида ташхислаш имкониятларни кенгайтиши, наркотик модда интоксикациясидан суд тиббий ташхислаш учун қўшимча мезонлар сифатида фойдаланиш имконини беради.

Диссертациянинг «**Наркотик интоксикациялар, алкоголизм ва наркоманиясиз кечувчи гепатитларда жигарни миқдорий гистоморфометрик ўрганиш натижалари**» деб номланган бешинчи бобиданаркотиклар, алкоголизм ва наркоманиясиз кечувчи гепатитларда жигарни миқдорий гистоморфометрик кўрсаткичларининг натижалари баён этилган, бунда тадқиқот гуруҳларида ёғ вакуолаларига мос келувчи паренхима кесмасининг майдон улуши 0,04га, банд бўлган бўлим ичи инфилтрати эса – 0,099 га тенглиги аниқланди. Меъёрда ёғ дистрофияси ва лобуляр гепатитбелгилари мавжуд эмас. Наркоманларда яллиғланиш инфилтрати ҳисобига портал трактларнинг кенгайтиши, склеротик ўзгаришлар ва фистулалар пролиферацияси аниқланди. Портал трактнинг ўртача майдон кесмаси уларда  $57665 \pm 5632,0$  мкм<sup>2</sup>, назорат гуруҳида эса  $20964 \pm 5467,2$  мкм<sup>2</sup> ( $P \leq 0,05$ ), гуруҳлар орасидаги сезиларли фарқ, портал тракт ўртача периметр кесмасини ўлчашда аниқланди. У наркомания фонида  $1275,8 \pm 59,7$  мкм<sup>2</sup>, наркомания бўлмаган вазиятларда  $662,7 \pm 90,4$  мкм<sup>2</sup> га тенг бўлди. ( $P \leq 0,05$ ). Ўт йўлларида мос келувчи ҳолларда портал тракт кесма периметрининг умумий меъёрда наркоманларга нисбатан бир неча бор юқори бўлади (7,2% ва 4,5%), бу ҳолат қон томир эгаллаган улушда ҳам кўринади ( $21,9 \pm 12,6\%$ ). Наркоманларда бириктирувчи тўқима толалари кўп миқдорда аниқланди (38,4% портал тракт майдонида, назорат гуруҳида 29,6%) ва айниқса яллиғланиш инфилтратининг ҳужайра ядросида (21,6%-назорат гуруҳида – 7,4% ( $P \leq 0,05$ )). Портал трактининг умумий майдон кесмасини инфилтрат ҳужайралари эгаллаган майдонга нисбатини аниқловчи портал тракт яллиғланиш инфилтрати зичлиги, яллиғланиш жараёни фаоллигини кўрсаткичларидан бири сифатида фойдаланиш мумкин. Битта портал трактдаги ўт йўллариининг сони наркоманларда, наркотик қабул қилмайдиганларга нисбатан кўплиги аниқланди (мос ҳолда  $3,3 \pm 0,4$  ва  $1,5 \pm 0,6$ ,  $P \leq 0,05$ ) уларнинг диаметри сезиларли фарқ қилмади. Наркоманларда яллиғланиш инфилтратининг ҳужайравий таркиби қуйидагича: 76,6%-лимфоцитлар, 8,9%-макрофаглар, 7,4%-фибробластлар, 4,1%-нейтрофиллар, 2,5%-эозинофиллар ва 0,5%-плазматик ҳужайралар.

Шундай қилиб, тақлиф этилган параметрлар жамланмаси жигарнинг гистологик тузилмасини ҳар томонлама тадқиқ қилиш ва олинган натижалар жигарнинг турли зарарланишларида ташхиснинг объектив усулларини ишлаб чиқишга ёрдам беради. 20-30 кўрув майдонини ярим миқдорий аниқлашда ГФИни 1 дан 6 гача, ўзгаришни яъни гепатит яллиғланиш характерига эга бўлади, бу яллиғланиш ҳолати минимал ёки жуда оз миқдорда сезиладиган фаоликка эга бўлди. Бунда статистик таҳлил ўртача  $4,6 \pm 1,2$  шартли бирликка эга бўлади. Шундай қилиб, сурункали наркотик захарланишдаги вирусли гепатитга кучсиз намоён бўлувчи яллиғланиш жараёни хосдир. ГСИ 1дан

4гачани ташкил этиб, унинг ўртача белгиси  $3\pm 0,5$  шартли бирликка эга бўлди. Шундай қилиб, цирротик типдаги гистоархитектоник қайта қуришнинг бошланғич белгилари фиброзни намоён бўлиши ўз ўрнига эга бўлди. Бунда яллиғланиш жараёнининг фаоллигини юқори бўлмаслиги маълум бўлди.

Гепатоцитлар ядроси кесмасига мос келувчи паренхима майдон улушини аниқлашда шу нарса маълум бўлдики, наркотик моддаларни қабул қилмайдиган пациентларда бу хатолик ўртача 7%ни, паренхима фонида эса фақат 4% ( $P\leq 0,05$ )ни ташкил этди. Битта кўриш майдонини 400 марта катталаштиришда, наркомания холати бўлмаганда ўртача 4 та 2 ядроли ва 5 та йирик гиперхром гепатоцитлар тўғри келса, наркомания кузатилганда эса мазкур катталиқ икки ва бирга мос келди. Гепатоцитлар ядросининг ўртача диаметри наркомания кузатилмаган холатларда катта хажмда бўлиши аниқланди (7 мкм; наркоманларда 5 мкм; фарқлар статистик ишончли эмас).

Маълум бўлдики, наркомания фонидаги сурункали вирусли гепатитларда гепатоцитлар регенерация интенсивлигини пасайиши хос бўлиб, бу уларни анизоцитоз даражасини пасайиши билан намоён бўлади.

Паренхима кесмасининг майдон улушига мос бўлган ёғ вакуолалари тадқиқотда иштирок этаётган гуруҳларда 0,04 ни ташкил этган бўлса, қиёсий гуруҳларда (наркоманиясиз сурункали гепатит)- фақат 0,02га тенг бўлади.

Марказий вена деворининг ўртача қалинлиги наркоманларда  $9,6\pm 1,0$  мкм, наркомания бўлмаган холатларда –  $3,2\pm 0,7$  мкмни ташкил этди. ( $P\leq 0,05$ ). Бунда деворнинг қалинлашиши етилган бириктирувчи тўқиманинг ўсиши ҳисобига хосил бўлган ва бу марказий қисм бўлмаларини перисинуоидал склерози билан бирга маълум бўлади.

Наркоманларда триада таркибига кирувчи артерия деворининг ўртача қалинлиги  $10,9\pm 0,5$  мкмга тенг бўлиши ва наркотик модда қабул қилмайдиган, сурункали гепатит билан оғриган шахсларда бу кўрсаткич  $5,9\pm 0,8$  мкмга тенг бўлиши аниқланди. ( $P\leq 0,05$ ). Артерияларнинг ўртача диаметри ҳар икки гуруҳда ҳам деярли бир хил, яъни 30 мкмни ташкил этди. Қон томирлар деворининг бундай қалинлашиши 80% наркоманларда учрайди. Бу силлиқ мушак хужайраларининг гипертрофияси ва интима склерози ҳамда томирлар адвентицияси ҳисобига содир бўлди.

Шундай қилиб наркоманларда портал трактларнинг марказий вена ва артерияси девори сезиларли қалинлашиши кузатилди. Фикримизча мазкур ўзгаришлар вирусли гепатит билан боғлиқ бўлмай, балки томирлар тонусини бошқаришни бузилишига қарши реакция ҳисобланади. Бунинг сабаби эса ўткир веноз тўлақонлигининг эксцесси, шунингдек наркоманлар турмуш тарзида жуда кўп бўладиган эмоционал стрессларни эслатиб ўтиш мумкин.

Наркоманларда строма ва паренхиманинг кўрув майдонидаги нисбати катта бўлиши ва ўртача 0,2га тенг бўлиши, наркотик модда қабул қилмайдиган беморларда бу кўрсаткич 0,07 га тенг бўлиши аниқланди ( $p\leq 0,05$ ).

Тадқиқот гуруҳидагиларда ҳам, таққослаш гуруҳида ҳам барча портал трактлар амалий жиҳатдан кенгайган. Бироқ наркоманларда портал тракт

тўқимасининг ўртача майдони катта бўлиши ва у  $57665,3 \pm 5632,0$  мкм<sup>2</sup>, тенг бўлиши аниқланди, наркоманиясиз сурункали гепатитларда эса бў кўрсаткич  $43301,0 \pm 9860,0$  мкмга тенг бўлиши маълум бўлди. ( $p \leq 0,05$ ). Яна бир муҳим аҳмиятга эга бўлган фарқ сифатида портал тракт кесма периметрини ўлчашда аниқланган бўлиб, у наркомания фонида  $1275,8 \pm 59,7$  мкм ванаркомания холати бўлмаган холатда  $951,2 \pm 100,98$  мкмга тенг бўлиши аниқланди. ( $p \leq 0,05$ ). Шунини таъкидлаш лозимки, портал трактнинг энг катта кесма майдони-лимфоид фоликулалар шаклланиши ҳисобига уларни периметр кесмаси эса фиброз септалар узунлиги ва микдорига боғлиқ бўлади. Бу септалар портал трактдан паренхима томон ўсганлиги аниқланди. Чегара пластинкасидаги бузилиш ўчоғига мос келган портал тракт периметр кесма улуши наркоманларда ўртача 0,1га наркотик модда қабул қилмаганларда эса -0,2га тенг бўлган. Қон томирлар ва коллаген толаларга мос келувчи портал тракт периметр кесмасининг улуши ҳар икки гуруҳда деярли бир хил натижани кўрсатди, бироқ ўт чиқиш йўллари эгаллаган улуш наркоманларда катта кўрсаткични наркоманиясиз гуруҳларга нисбатан аниқланди. Бу кўрсаткич 4,5 ва 2,3%ни ташкил этди ва у портал тракт майдонига мос келди. ( $p \leq 0,05$ ). Битта портал трактдаги ўт ҳайдаш йўллариининг сони наркоманларда юқори, наркотик қабул қилмайдиганларда эса кам бўлиши кузатилди (мос холда  $3,3 \pm 0,4$  ва  $1,1 \pm 0,6$ , ( $p \leq 0,05$ ), уларнинг диаметри ҳар икки холатда ҳам бир хил ўлчамда бўлиши аниқланди. Инфилтратнинг хужайравий таркиби тўғрисидаги маълумотлар 2– жадвалда келтирилган.

## 2-жадвал

### Портал йўналишда инфилтратнинг хужайравий таркиби

Хужайра элементларнинг таркиби	Инфилтрат нисбати, %		P<0,05
	Наркоманлар фонида	наркотикларсиз	
Фибробластлар	7,4	10,8	-
Макрофаглар	8,9	2,7	+
Лимфоцитлар	76,6	86,2	-
Нейтрофиллар	4,1	0,1	+
Эозинофиллар	2,5	0,09	+
Плазматик хужайралар	0,5	0,18	-

2-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, инфилтрат таркибида макрофаглар, нейтрофиллар ва эозинофилларни аниқлашда статистик ишончлилик фарқи бўлиб, барча 3 турдаги хужайралар улуши наркоманларда юқори бўлган, бу яллиғланиш инфилтратларини полиморфлилигини тасдиқлаб, фақат наркоманияда макрофаг ўчоқларини тўпланишини, улар баъзида гемосидерин сақлаши билан кузатилади. Бундай ўзгаришлар портал трактда, шунингдек, лимфоид фоликулалар марказида кузатилади.

Шунини таъкидлаш лозимки, бундай фарқларнинг мавжудлигини асосий сабаби психотроп патологик мойиллик кўп ҳолларда алкагол билан бирга

келади. Наркомания фонида инфилтратда макрофагларни юқори даражада сақланиши, гранулема типиди йиғилишнинг асосий сабаби бўлиб, наркотик моддалар билан кам эрувчи ёт моддаларни томир ичига юборишга реакция сифатида қараш мумкин. Жигар тўқимасининг асосий гистоморфометрик кўрсаткичлари гуруҳларга бўлинган ҳолда 3-4 жадвалларда келтирилган.

### 3 - жадвал

#### Опий наркоманияси сурункали вирусли гепатит биргаликда кечганда кашандаликсиз ҳолатида жигар гистоморфометрик параметраларининг асосий аҳамияти

Кўрсаткичлар	Меъёр	Наркоманияда	Сурункали вирусли гепатит наркоманиясиз
Кўриш майдонида паренхима ва строманинг кесишиш майдонининг нисбати	0,02	0,2	0,07
Кўриш майдонида гепатоцитлар ядросининг кесишишини паренхима майдонидаги улуши	0	0,04	0,02
